Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 92 (7. 181) ◎ 1990 йил 23 апрель, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

◎ КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасидаги ҳамда Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетларининг 1990 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлади. Мукофотланганларнинг рўйхати кеча тонгги рўзномаларда эълон қилинган.

◎ КПСС Марказий Комитети аъзоларни ва партия комитетлари билан маслаҳатлашувдан сўнг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига тайёргарлик кўриш комиссияси ташкил этилди, деб хабар беради КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси ҳақидаги хабарда.

ИБРАТЛИ УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

21 апрель, шанба куни 1920-1924 йилларда КПСС сафига кирган партия кексаларини уруш ва меҳнат кексалари республика кенгашида шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Учрашувни Ўзбекистон уруш ва меҳнат кексалари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.



БУ ЕРДА шарафланаётган кишилар партия сафига таҳликали ва мураккаб бўлган вақтда кирган эдилар. Хўш, ўшанда улар неча ёшда эдилар? Нурмат Ниёзович Муҳамедов, Александр Федорович Макаревичлар эндигина 20 ёшга қадам қўйган эдилар. Йўлдош ака Бобожонов улардан ҳам ёш эди — у эндигина 19 баҳорни қаршилаганди. Александр Степанович Соловов партияга 17 ёшидаёқ кирган эди. Дарҳақиқат, бугунги кун мезони билан ўлчасак бу анчайин ёшдек туюлади. Лекин бу ажойиб инсонларнинг бундан қариб 70 йил муқаддам танлаган йўлларн ўзгача эди. Улар ана шу узоқ йиллар мобайнида партия билан, унинг гоялари билан ўзларининг тақдирларини боғладилар.

Лекин ҳамма одамлар ҳам тўла ушалди, деб бўлмайди. Винобарин биз бугунги кунда мамлакатимиз етмиш икки йиллик тарихига бошқача мезон билан ёндошмоқдамиз. Лекин нафсиламбирини айтганда партия билан ўз тақдирини боғлаган кўпгина инсонлар ҳалол ва пок яшадилар. Улар Улуғ Ватан урушн жангларида қўлга қурол олиб фидойилик кўрсатдилар, қул бўлган жойлар ўрнида шаҳарлар бунёд этдилар, уйлар ва заводларни қурдилар, деҳқон ерларида ишладилар, саноат корхоналаридаги дастгоҳларни юргиздилар. Улар эртанги кунга ишонч билан нигоҳ ташладилар. Инқилоб шиорларн эсингиздами! «Халқларга — тинчлик!», «Деҳқонларга — ер!», «Ишчиларга — фабрикалар!». Худди ана шундай келажак учун ўн етти ва йигирма ёшли йигитлар Коммунистик партия сафига кирган эдилар. Партия сафига ўтиб, коммунист бўлиб фронтга кирдилар, социализм қурилишларига йўл очдилар, саводсизликни тугатишда, аёлларни озод қилиш учун курашда иштирок этдилар.

Йўлдош ака Бобожонов. 1920 йилдан КПСС аъзоси. Ўзбекистон ва Тожикистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишнинг фаол қатнашчиси, қўлга қурол олиб Совет ҳокимиятини ҳимоя қилган, узоқ йиллар мобайнида республика коммунал хўжалиги соҳасида ишлаган, партия ишларида фидойилик кўрсатган ажойиб инсон. Ўзининг 89 ёшида ҳам асло тиниб-тинчимайди, у ёшлар билан учрашувга завқ-шавқ билан борадн, уруш ва меҳнат кексаларн Тошкент шаҳар кенгашн раисининг ўринбосарн сифатида баҳоли қудрат ишлаб келмоқда.

Йигирманчи йилларда партия сафига кирган бошқа коммунистлар ҳам худди Йўлдош ака сингари фазилатлар эгасидир. Лекин таассуфлар бўлсинки, уларнинг сафи борган сари камайиб бормоқда. 1920-1924 йилларда партия сафига кирган кишилардан бизнинг жумҳуриятимизда бор-йўғи 36 киши қолди, холос. Бу учрашувга О. Обидов, Д. И. Барков, З. С. Гинзбург, К. Н. Стрипко, А. Ф. Макаревич, А. А. Матвеев, К. Инёзалиев, В. С. Грнчанский, Е Ф. Ильина, Й. Бобожоновлар ташриф буюришди. Бугунги кунда уларнинг хотиралари ҳам биз учун ниҳоятда азиз ва қадрлидир. Чунки партия кексалари — бу — бизнинг жонли тарихимиздир. Уларнинг тақдирларн осон кечмади. Бироқ уларнинг жамиятни бунёд этишга бўлган ишончи, Ленин номини дилга жо айлаб партия сафига кирганликлари, бутун умрларн мобайнида амалга оширяган катта ва хайрли ишларн чиндан ҳам ибратлидир.

Йигирманчи йилларда партия сафига кирган ва ҳозирги пайтда нуроний бўлган инсонлар билан бўлган бу учрашувда ана шулар ҳақида сўз борди.

Партия кексаларига жумҳурият ҳукуматн номидан қимматли совғалар топширилди. Улар шунингдек уруш ва меҳнат кексаларн республика кенгашининг фахрий ёрлиқларн билан тақдирланди. Уларга Улуғ Ватан урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 45 йиллиги шарафига ёзилган табрикномалар ҳам топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

Л. ДЎСТМАТОВА.





◎ СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.
Р. Шарипов суратлари.

Рўзноманинг шу сонига суратли репортаж

Кексалар бурчи

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг шон-шуҳрат музейи ва ёдгорлик обидаси очилди. Бу ерда урушдан қайтиб келмаган завод ходимларининг, шунингдек оғир уруш йилларида ўзининг корхонадаги фидокорона меҳнати билан Ғалабани яқинлаштирган кишилар хотираси абадийлаштирилган.

Бу воқеа — Ўзбекистон пойтахтининг Куйбишев районида Уруш ва меҳнат ветеранлари район кенгаши хомийлигида шу кунларда ўтказилаётган кўплаб тадбирларнинг биттасидир холос. Собиқ жангчилар корхоналарда, мактабларда, олий ўқув юртларида кўпдан-кўп учрашувлар ўтказишмоқда. Яқин оралде «Гулшан» боғида собиқ жангчиларнинг ўзига хос клуби — ветеранлр чойхонасининг эшиклари очилади. Жумҳурият меъморлар уюшмаси районда ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатиш борасидаги ишларни бошлаб юборди. Комсомоллар ва пионерлар уруш қатнашчилари учун фронт йилларида юборилган учбурчак хатлар шаклида табрикномалар тайёрлашди. Бу ишларнинг ҳаммаси район ветеранлар ташкилоти ташаббуси билан ҳамда унинг ёрдамида қилинмоқда.

Районда собиқ жангчиларнинг бирлонтаси зътибордан четда қолганн йўқ. Ветеранлар ташкилоти бугун ўрнидан туролмай қолган ва доимий ёрдамга муҳтож бўлган ногиронлар, собиқ аскарларга алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Меҳр-мурувват ва саломатлик фонди, шунингдек район социал таъминот бўлими ҳузуридаги ветеранлар кенгаши ташаббуси билан тузилган «Меҳр-мурувват жамияти» бу одамларга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган. Улар шу пайтгача кўп яхши ишларни амалга оширдилар, кўпдан кўп одамларга меҳр-мурувват кўрсатдилар. Шаҳар ташкилотлари, корхоналари меҳр-мурувват ва саломатлик ветеранлар фондига пул ўтказишмоқда. Бу маблағлар ёрдамга жуда муҳтож бўлган кишиларга кенгаш тавсияси билан жуда қатгиқ назорат остида сарфланади. Собиқ жангчилар бундай тоифасининг ўнлаб кўнгилли ёрдамчилари пайдо бўлишди. Улар ётиб қолган кишиларга иссиқ тушликлар олиб боришади. Яқинда районда кенгаш ташаббуси билан очилган «Ветеран» дўконидан уларнинг уйига озиқ-овқат маҳсулотларн олиб келишади. Дўконда хуқуқий маслаҳатхона ишлаб турибди, табобат пункти очилган. Район аҳолиси зътиборини уруш йилларидаги оғирликларни елкасида кўтарган ва кўп жиҳатдан биз қарздор бўлган кишиларга қаратиш учун жуда кўп иш қилган ветеранлар ташкилотининг ажойиб фаолияти тўғрисида анча гапириш мумкин.

Кенгаш раиси, истеъфодаги полковник С. Д. Коротков ана шу барча яхши ишларнинг ташаббускорндир. У ҳаққатан ҳам афсонавий шахс ҳисобланади. Босмачилар билан урушган, Испанияда жанг қилган. Урушнинг учинчи куни, гарчи Фарғона район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган ва рухсати бўлишига қарамай, жанг майдонига кўнгилли равишда жўнаган.

У 41-танкчи гвардиячилар бригадаси таркибида Сталинград остонасида, Курск-Белгород ёйида бўлган катта жангларда, Корсунь — Шевченково операциясида қатнашди. Руминия, Болгария, Венгрия, Чехословакияда жангу жадалларда бўлди. Урушни Порт-Артур шаҳрида тугатди. Тўртта жанговар Қизил Байроқ ордени, Ленин ордени, иккита биринчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени, бошқа мукофотларнинг соҳибидир.

— Биз бир ёқадан бош чиқарганимиз учун ҳам ғалаба қозондик, — дейди С. Д. Коротков ЎзТАГ мухбири И. Гребенюкка. — Сен қайси миллатга мансубсан, деб суриштириб ўтирмасдик, фашистларнинг ўқи ҳам бунинг фарқига бормасди. Қайта қуришнинг олий мақсадларига эришмоқ учун биз ҳозир бирлашишимиз зарур.

Ветеранлар ёшлар билан бўлаётган кўпдан кўп учрашувларда худди ана шу ҳақда гапирмоқдалар. Жанггоҳларда тобланган собиқ жангчилардан бошқа ким ҳам уларга мамлакатда рўй бераётган мураккаб жараёнларни тушуниб олишда ёрдам бера оларди.

Авлодлар алоқаси узилмаслиги керак, дейишмоқда ветеранлар. Ёшлар билан ишлаш улар учун шунчаки қуруқ сўз эмас. Улар биргаликда полкдошларини қидиришмоқда, уларнинг учрашувларини уюштиришмоқда. Ғалаба байрами арафасида район мактабларида шон-шуҳрат музейлари, ҳалок бўлганларга ёдгорликлар очилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР

◎ ЎН ИККИНЧИ беш йиллик сўнгги йилнинг биринчи уч ойлигида ойна-мебель фабрикасида ишлаб чиқариш суръати 61 фоизга ўсди. Бунинг эвазига меҳнат унумдорлигини анча оширишга муваффақ бўлинди.

Корхонада олиб борилаётган техникавий тадбирлар бунинг асосий омили бўлмоқда. Шунингдек фан тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга дадил жорий этилмоқда.

БУГУН корхонанинг янги участкаси ташкил қилиниб замонавий ускуналар билан қуроллантирилди. Энди мебель ойналари тайёрлаш бир мунча ошади.

Д. ОТАЕВ.

ИЖАРАГА БЕРИЛДИ

◎ ТОШКЕНТ ёғ-мой комбинати жумҳурият аҳолисини турли ҳил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Меҳнатни қайта ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг илғор усулларини қўллаш туфайли ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилидаги уч ойлик топшириқ муддатидан олдин бажарилди. Савдо пештахталарига 906 минг сўмлик қўшимча ёғ-мой маҳсулотлари етказиб берилди.

БУГУН корхонанинг маргарин тайёрлаш бўлими ижарага берилди. Энди бу маҳсулот нормадан 80 минг бўлак кўп тайёрланади.

Д. АЪЗАМОВ.

ЖАЖЖИЛАР МАСКАНИ

◎ АКМАЛ ИКРОМОВ районининг Чилонзор даҳасидаги 24, 30-мавзесида 320 ўринли жажжилар маскани фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бу ерда сўнгги қурилиш-пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

БУГУН жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу ерга 30 минг сўмликдан ошиқ кераклн анжомлар сотиб олиниб, бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан ўн иккита соябон, чўмилиш ҳовузчаси, турли мультфильм қаҳрамонлари акс эттирилган сирпанчиқ, арғимчоқ каби спорт ўйин майдонлари мавжуд.

Бунёдкорлик ишларини 159-трест жамоаси олиб борди.

О. ДИЛМУРОДОВ.

СИЁҲ ДОҒЛАРИНИ КЕТКАЗАДИ

◎ ПЛАСТМАССА буюмлари ва рўзғор кимёси заводи бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини 9,3 фоиз ўстиради. Топшириққа қўшимча 140 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Йилнинг дастлабки 3 ойлик топшириқларини ошириб бажариб, белгиланганидан 1,9 минг сўмлик кўп маҳсулот савдо пештахталарига юборилди.

БУГУН корхона ихтирочилари ва инженер-техник ходимлари янги доғ кетказиш воситасини ўзлаштиришди. Бу маҳсулот оқ либосга тушган ёғ ва сиёҳ доғларини ҳам изсиз кетказиш хусусиятига эга.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

«ОВОЗ» ИШ БОШЛАДИ

◎ ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмаси қошида «Овоз» тўгараги очилди. Тўгаракка ҳозир шеъриятга лаёқатли ўн олти ёш қабул қилинди. Улар уч йил давомида ҳозирги классик ва чет эл адабиётини, эски ўзбек ёзувини ҳамда шеър ёзиш услубларини ўрганадилар. Машғулотлар ҳафтасига бир марта ўтказилади. Тўгаракка шоир Чори Авваз бошчилик қилмоқда.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

БЕМИННАТ ЁРДАМ

◎ СССР ЭКСТРАСЕНСЛАР уюшмаси жамоаси БУГУН Гоголь номидаги 98-мактаб-интернатига 1500 сўм ўтказди. Уюшма аъзоларидан тушган бадал пуллари ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва ўқув қуроллари олишга сарфланади.

Шунингдек, 1000 сўм пул «Янгиобод» маҳалласи байналмилал-жангчиларн ва кам таъминланган кўпболали оилалар, ёлғиз қарияларга берилди.

М. МУРОДОВ.

«ЎЗИНГ БАЖАР»

◎ БУГУН Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида «Ўзинг бажар» маиший хизмат комплекси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бу ерда ГДРдан келтирилган тозалаш ускуналари ва Ватанимизда тайёрланган бир қатор ускуналар ўрнатилади.

Даҳа аҳолисига радио-телевизорларни тузатиш устахоналари ҳам хизмат кўрсатади.

Д. АЗИМОВ.

САВДО ШОХОБЧАСИ

◎ БУГУН Куйбишев район Чизель даҳаси аҳолиси дастлабки савдо шохобчасига эга бўлди. Бу ерда озиқ-овқат ва атторлик буюмлари билан савдо қиладиган савдо дўкони иш бошлади. 120 квадрат метр савдо залига эга бўлган бу даҳадаги савдо марказини 2-уйсозлик комбинати бинокорлари бунёд этишди.

Д. АЪЛОЕВ.

Диққат, янгилик!

ТЕКИНГА ТИШ ҚЎЙДИРАСИЗМИ?

● Яқинда қариндошларимизникидаги бир ўтиришда тоғам тиш билан бодом чақиб «Умрларидан барака топшсин» деб қўйдилар. Ташқарига чиққач у кишидан сўрадим:

— Ҳикматилла ака, олдин оғзингизда бироита ҳам соғ тишингиз йўқ эди. Ҳар доим овқатни яхши чайнолмасдан нопиб юрарингиз, энди бодомни ҳам қарсиллатиб чақяпсиз.

У киши мийиғида кулиб шундай дедилар:

— ТошМИдаги поликлиникада бу ясама тишни қўйиб беришди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма жиян, ўзимнинг тишимдан ҳам аъло. Яна бунинг устига текинлигини айтмайсанми. Бир тийин ҳам олишмади.

Хўш, бундай поликлиника қаерда жойлашган? Нима учун кўпчилик бундан бехабар? Унда ҳамшаҳарларимизга қандай хизмат кўрсатилади? Мухбиримиз Тошкент Давлат тиббиёт институти ортопедия-стоматология поликлиникасининг бўлим мудири Роза Александровна Мусякоева билан учрашиб, уни рўзномамизга келган хатлар билан таништирди.

— Поликлиникада ҳаммага ҳам текинга ясама тиш қўйиб бершаверадими? Ёки айрим беморларгами?

— Биз барчага текинга ясама тишларни қўйиб бериш тарафдоримиз. Олдинлари ҳамшаҳарларимиз ўзлари яшаб турган районларидаги стоматология поликлиникасига учрашиб ўша ерда ўзларига керакли ясама тишларни қўйдиришар эди. Бугунги кунда бу иш марказлаштирилди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу ишлар учун бир йилга 24 минг сўм ажратди. Поликлиникамиз шу йилнинг уч ойи ичида 3800 сўм сарфлаб 152 беморга ясама тишлар қўйди. Лекин бу тишлар фақат Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва инвалидларига ҳамда шахсий пенсионерларгагина текинга қўйиб берилди. Меҳнат ветеранлари ва бошқа қария ҳамшаҳарларимиз эса бу имкониятдан фойдалана олишмасди. Биз яқинда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига таклиф билан чиқдик. Поликлиникамиз барча пенсионерларни қабул қилишга қодир. Қолган маблағни ҳам бизга ажратишса поликлиникага ташриф буюраётган барча қарияларимизнинг ҳам ҳожатини чиқарардик.

— Бу ясама тишлар, агарда нақд пулга қўйдирилса неча сўм туради? Уни қўйиб бериш муддати қанақа?

— Ясама тишларни қўйишнинг ўртача нархи 25—30 сўмни ташкил этади. Агарда бу тишларни қўйиш мураккаб бўлмаса бир ҳафта ичида бажариб берилади. Аксинча қийинрок бўлса бир ой муддат ичида адо этилади. Бу борада яна шуни айтиш мумкинки талабалар томонидан қабул қилинган беморларга қўйиладиган ясама тишлар ҳам текинга қўйилади. Фақат бу тишларнинг қиймати 40 сўмдан ошмаслиги керак. Агар ошса унда ортиғи беморлар ҳисобидан тўланади. Бундан ташқари шаҳримиздаги корхона ва ташкилотлар поликлиникамизга пул ўтказиш йўли билан шартнома тузиш орқали ҳам уларга хизмат кўрсатишлари мумкин.

Суҳбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

23 апрелдан 29 апрелгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг мазлумотларига кўра, шу ҳафтанинг аксарият кунлари жумҳуриятимизда ҳаво ўзгариб туради: вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ гумбурлайди. Момақалдироқ бўлган пайтларда шамолнинг тезлиги соатига 15—20 метргача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 8—13, кундузи 21—26 даражадан 16—21 даражагача ўзгариб туради.

Ҳафтанинг охирига келиб ҳавонинг бирмунча совиши эҳтимоли бор. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг аксарият кунлари ҳавонинг ўзгариб туриши нохуш иқлимга хос таъсир ўтказиши мумкин. Бундай ҳавода юракнинг ишемик хасталиги, бош миянинг қон томирлари ва яллиғланиш хасталиклари, ўпка-нафас олиш ва орқа асаб системаларининг хасталиклари бўлган, об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларнинг аҳволи оғирлашиши мумкин.

Ана шундай об-ҳавода улар асабийлашишлари, ёмон ухлашлари, юракда оғриқ сезишлари эҳтимоли бор. Шунингдек, ички аъзоларда ва нафас олиш йўлларида оғриқ пайдо бўлиши мумкин.

Шу тоифадаги беморлар нохуш оқибатларнинг олдини олиш мақсадида даволовчи шифокорларнинг тавсияси билан нафас олиш машқларини бажаришлари, зарур ҳолларда юрак-қон томирларнинг фаолиятини ростловчи дорилармонларни қабул қилишлари лозим.

Партия ташкилоти ва қайта қуриш

Жамоага яқинроқ бўлайлик

⊙Йил бошида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро мажлисида Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилган эди. Унда, жумладан жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги камчиликлар таъкидлаб ўтилган эди. Табиийки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ташаббуссизлик билан тарқоқ ҳолда ҳаракат қилишларида сусткашлик ҳам таъсир ролини ўтаган. Умуман, ҳуқуқ-тартибот органларида ишни тубдан қайта қуриш, милиция обрўсини қайта тиклаш борасида бу соҳа коммунистларининг ишини қандай баҳолаш мумкин! Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси партия ташкилотининг котиби А. Ҳ. Ёқубов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

БОШҚАРМА 27 та бошланғич партия ташкилотига 640 нафар коммунистни бирлаштирган. Икки йилдирки партия ташкилоти А. Ҳ. Ёқубовни қайта-қайта котибликка сайлаб келади. Демак, Адҳам Ёқубовнинг шу йиллар ичида коммунистларга, коммунистларнинг эса унга ўзаро ишончи ортиб, мустаҳкамланиб борган. Афсуски, йил сайин камайиш ўрнига жиноятчилар сони кўпайиб бормоқда ва айниқса, 1988 — 1989 йилларда кескин ўсган. Шунингдек, 11 мингдан ортиқ жиноятни содир этган шахслар аниқланмай қолган. Ҳар тўрт жиноятнинг бири эса жумҳурият бўйича Тошкент шаҳрида содир бўлаётир.

— Адҳам Ҳасанович, бюро йиғилишида милиция ва судларнинг ҳаракати самараси камлигидан шаҳар меҳнаткашлари асосли равишда норози бўлаётганликлари ўқтириб ўтилди. Жиноятчиликни очиш ишида коммунистлар ишини қандай баҳолайсиз!

— Охирги уч ой давомида қилаётган ҳаракатимиз самараси сезиларли бўлади. Асосий ишни жиноий ишнинг қайси бири кўнглига қараб олиб борилмоқда. Раҳбар коммунистларимиз бунда асосий ролни ўйнамоқдалар. Масалан, фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш бўйича ёки автомобиль ўғирлашга қарши махсус гуруҳлар ишламоқда. Ишимизнинг дастлабки натижаси жорий йилнинг бошиданоқ кўзга ташланди, яъни жиноятчилик 6 — 7 фоизга камая бошлади. Айни пайтда жумҳурият ҳукумати томонидан илк маротаба бизга амалий ёрдам берилди. 135 та автомобиль, 140 дона фотоаппарат ҳамда ўнлаб зарур техник воситалар билан таъминланди. Жумладан, барча район Совети ижроия комитетларининг ёрдами катта бўлаяпти. Энди ҳалиги айтганимдек, эришган натижамиз албатта жуда кам. Ҳар бир милиционер ўз устида чинакам иш олиб бориши керак. Айниқса фуқароларнинг кўплаб арз-ҳоллари участка инспекторлари шаънига айтилмоқда. Айни чоғда кўпинча одамлар участка инспекторлари ишига қараб, бутун милициянинг фаолиятига баҳо беришади. Шунинг учун ҳам бюрода уларнинг ишлари хусусида маҳалла аҳли, умуман, аҳоли доимо ҳисоботларини эшитиш ва баҳолаш доимий суратда бўлиши таъкидланди. Яна участка инспекторлари ўртасида давом этаётган сиёсий жамоатчилик аттестацияси уларнинг ҳақиқий ишлайдиганини танлаб олишга ёрдам бермоқда. Бу нарса коммунистларимизга ҳам тегишли бўлиб, ўтган йили шундай кишилардан 3 нафарини партиядан ўчирдик. Биттаси резервдалигидаёқ ўзини кўрсата олмади. Коммунистларимиз ўртасида бир-бирига нисбатан жавобгарлик ортиб бораяпти. Муҳими, улар энди ўзларига талабни кучайтирмоқдалар.

— Ноҳақ айбланган милиция ходимлари ҳақида эшитамиз...

— Тушундим. Бу ҳодиса афсуски бизда ҳам содир бўлди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими ходими, коммунист Абдумажид Худойберганов ана шундай ноҳақ айбланувдан кейин ўз хизмат вазифасига ва партия аъзолигига қайта тикланди.

— Адҳам Ҳасанович, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи коммунистларни таъбир жоиз бўлса, икки обрў учун жавобгар дейиш мумкин. Яъни, биринчиси милициянинг обрўсига доғ туширмаслик, кейингиси коммунист обрўси. Бу ҳақда фикрингиз қандай!

— Ҳақ гапни айтдингиз. Ишимизни юзага чиқарадиган нарса бизда асосан тергов. Уни қанчалик чуқур, теранлик билан ҳаққоний ҳал қилиш милициянинг шаънига шараф олиб келади. Уларга катта ҳуқуқлар ва имтиёзлар бериб қўйилган экан, талабчанлик ҳам шунга қараб бўлади.

Мана яқинда бўлиб ўтган партия комитети йиғилиши бошқарма тергов бошқармаси бошлиғи Алишер Шарипов ҳисоботини эшитди. У тергов ишлари ҳамда КПСС Устави талабига мувофиқ бажараётган вазифаси хусусида ҳисобот берди. Бизнинг соҳада коммунист обрўси дедингиз. Мен буни эндигина партияга қабул қилинган Виктор Потапов ва Равшан Қосимовлар мисолида айтмоқчиман. Резервимизда турган 40 нафар милиционерлар орасидан уларни саралаб олдик. Улар партия учун энг оғир пайтда сафимизга қўшилаётган экан, кейинги учрайдиган қийинчиликларда ҳам ўзларини кўрсата олишларига ишонамиз.

— Аксарият одамлар ҳуқуқтартибот органларининг ишидан норози бўлгандек, аниқроғи уларга ишончсизлик билан қарашади. Негаки, одамлар кўчада барибир беҳаловат юришибди-да. Шу соҳанинг ходими сифатида ишингизни тубдан қайта қуришга нималар халал бермоқда, деб санаб ўтардингиз!

— Ҳақиқатан ҳам камчиликларимиз кўп. Шу боис кўпинча одамлар орасида бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллаларда учрашиб турибмиз. Мана яқинда Октябрь инқилоби номли вагон ремонти ва Тошкент трактор заводларида, «Тинчлик» маҳалласида учрашув ўтказдик. Хуллас, ўзимизни ойнадек кўриб туришга имкон берди.

Бироқ, Москва, Ленинград, Киев сингари катта шаҳарлардагига нисбатан бизда ажратилган штатлар сони жуда кам. 70-йилларда белгиланган штатлар бўйича қимирламай турибди. Ваҳоланки, аҳоли сони йил сайин ўсаяптику. Ўтган йили биргина жиноят қидирув ва тергов бўлимларига штат берилди. Бу жуда ҳам кам. Яна ҳамма нарса марказдан туриб ҳал қилиниши қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлаяпти. Масалан, ўша бериладиган штатни олинг. Нега уни район ижроия комитетларининг ўзлари ҳал қилмайдилар? Ахир районда қанча аҳоли бор, уларни тартибга солиш учун қанча милиция ходими керак, буни ҳаммадан кўп улар билишади-ку. Ёки яна бир мисол, СССР халқ депутатларининг II съездида СССР Ички ишлар министри В. В. Бакатин қуйидаги фактларни келтириб ўтди: Москвада 10 минг аҳолига 56 та, иттифоқнинг бошқа шаҳарларида 17 тадан милиция тўғри келар экан. Тошкентда эса ўша 10 минг аҳолига 5 нафари тўғри келади. Энди шу ўринда жамоатчилик фаолиятининг ёрдамига таянмоқчи бўламиз. Лекин очиғини айтиш керак, на маҳалла аҳли, на одамларнинг ўзлари бизга яқиндан ёрдам берадилар. Қолаверса кишилар ўзлари яшаётган районда ички ишлар ходимларининг фаолияти билан ҳатто қизиқиб ҳам кўрмайдилар. Биз айтганимдек улар билан учрашишга ҳаракат қилаяпмиз-у, аммо уларнинг пешвоз чиқишини сира сезмаяпмиз. Мана шу борада оз бўлсада ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилсак, жамоатчилик билан яқинроқ алоқада бўлсак, бизнинг ишимизда ўзгариш анча сезиларли бўларди, деб айта оламан.

Суҳбатдош

Ф. ҲУСАНОВА.



⊙ ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-йиғув цехи илғор ишчиси М. Турсунхўжаев; янги чигит экиш агрегати жўхори ва кунжут уруғларини ҳам бемалол эка олади.

М. Нуриддинов суратлари.

Акс садо

УЛАР ЖАЗОЛАНАДИМИ?

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЎЗНОМАСИНИНГ ўтган йили 23 декабрь сонида «Қариялар ёлғизликка маҳкумми?» мақоласини ўқиб жуда таъсирландим. Шундай кунларни бошидан ўтказаётган кексаларимизга ачиниб кетдим. Кўпчилик фарзандининг тинчлигини ўйлаб шундай қилади. Баъзилари иложсизликдан. Менимча, ота-онасини қариялар уйига топшираётганлар — ўзига тўқ кимсалар, имонини, тилини, эътиқодини йўқотган пасткаш кишилар. Ахир елкаси меҳнатда қотган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган қайси фарзанд бунга йўл қўяди, дейсиз.

Тунов куни автобусда 40 ёшлар чамаси йигитнинг ошнасига гапираётганини эшитиб даҳшатга тушдим. Йигит туғилган кунини нишонламоқчи экан. Отасининг қон босими ошгани, онаси эса жуда эзма бўлиб қолгани учун қариндошиникига алдаб ташлаб келганини завқ билан гапирарди. Ахир унинг дунёга келтирган ўша ота-онаку, энди улар керак бўлмай қолдими? Бундай ўзини ўта «маданиятли» ҳисобловчи, айни пайтда маънавий қашшоқ кишилар орамизда қачондан бери пайдо бўлди? Инсонпарвар жамиятимизда нега шундай кишиларга ҳам бирор жазо бериш мумкин бўлмаса?!

М. СОДИҚОВА,
кўп болали она.

ЛОҚАЙД ҚАРОЛМАЙМИЗ

ТОШКЕНТГА ўқиш учун келиб, ота-она қадри қандай эканлигини янада чуқурроқ англадим. Ниятимга етиб талаба ҳам бўлдим. Кейинги пайтларда ота-онасини қариялар уйига берибди, деган гапни тез-тез эшитадиган бўлиб қолдик. Рўзнома саҳифасида ота-онасини топширишга журъат этган шундай кишиларни фош қилувчи, айни пайтда тўғри йўлга солувчи талайгина материалларни ўқиб хурсанд бўлдик. Ўша мақолаларнинг таъсири, қолаверса, бундай ишга кўл ураётганлар ҳақидаги нафратли ўйларим мактуб ёзишга даъват этди. Турли вилоятлардан келиб таълим олаётган биз талабалар яшаш учун жой қидирамиз. (Ётоқхона шароити кўпчиликни ҳам қониқтиравермайди). Вояга етказиб, ўстириб улғайтирган фарзандлари энди ота-онасини қаровсиз қолдиришга йўл қўяётган экан, биз эҳтимол ёрдам берармиз. Уйларида яшаб, фарзандлик бурчимизни бажарардик. Улар ҳам қаровсиз қолмасди, биз эса жойсиз.

Ҳурматли редакция! Шундай қаровсиз қолаётган қариялар ҳақида рўзнома орқали маълум қилинг. Иложи бўлса улар ўз манзилгоҳларини кўрсатсинлар. Биз талабалар уларга ёрдам беришга тайёрмиз.

Тошкент кооператив техникуми бир гуруҳ талабалари номидан:

Н. НАЗАРОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳа, дарҳақиқат инсон зоти дунёга келибди-ки, улғайиб, умр кечириб ёши бир жойга бориб қолган пайтда болаларимнинг роҳатини кўрсам дейди. Қайси бир киши ғарибхонада ҳаёт билан хайрлашгиси келади дейсиз. Афсуски, ҳаёт баъзи кишиларни шу жойга келишга мажбур қилади. Баъзилари ҳатто фарзандимга ортиқча эканман, менсиз тинчгина яшай қолсин деб ўзи рози бўлиб қўя қолади. Яна бошқа кимсалар ота-онанинг бор-будини тезроқ бўлашиб олиш мақсадида шундай йўлни тутадилар. Бунинг учун ким айбдор! Фарзандларми!! Уларни тарбиялаган ўша ота-оналар эмасми! Халқимиз бежиз «Экканингни ўрасан» демаганми, ахир. Оқибат натижа яна фарзанд тарбиясига бориб тақалар экан.

Юқорида бир мавзу ҳақидаги икки хил таклифни эътиборингизга ҳавола қилдик. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз битилган мактубларингизни кутамиз.

Ишчи сулолалари

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

БУ ВОҚЕАГА 20 йил бўлди. Маълумки, 1970 йилда доҳиймиз Владимир Ильич Ленин таваллудининг 100 йиллиги юбилейига атаб завод-фабрикаларнинг жамоалари эсдалик буюмлари — совғалар тайёрлашди. Ўша кезлари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида кўргазма ташкил қилинди. Унга қўйилган буюмлар ичида осиғлиқ сўзана кўпчиликнинг диққатини ўзига тортарди. Унга кўпчилик маҳлиё бўлиб қолган эди. Сўзана 3х3 метр катталикда бўлиб, тўқ ҳаво ранг духобага ўзбек миллий нақшлари ипак билан битилган эди. Сўзананинг ўртасига доҳийнинг расми ипак билан тикилган эди. Атрофида очилиб турган пахта чаноқлари нақшланган эди. Ўша дақиқаларда ҳар бир киши сўзана яратган чеварга чин дилдан офаринлар айтиб, унинг маҳоратига қойил қолмай иложи йўқ эди.

Ана шу сўзананинг муаллифини топиш мақсадида Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасига йўл олдим. Маълум бўлишича сўзана ижодкори корхона бош устаси Саодатхон Тоҳирова экан. Саодатхон билан суҳбатлашдик.

— Сиз бу касбга қачондан қизиқиб қолгансиз?

— Оиламиздаги барча аёллар шу ноёб касб билан шуғулланиб келадилар. Маълумки, Улуғ Ватан уруши ғалабасидан кейинги эски шаҳардаги бир неча артеллар бирлаштирилиб, бадиий буюмлар фабрикасига айлантирилди. У янги, кўркам бинога жойлаштирилди. Ана шу фабрикага 1947 йилда опам Сабоҳат биринчилар қаторида оддий тикувчи бўлиб ишга кирган эдилар. Кўп ўтмай, попопчилик цехига ўтиб, хилма-хил сўзаналарни (палак, гулкўрпа, чойшаб, зардевор) тика бошлади. Мен ўша вақтда ўрта мактабда ўқир эдим. Бўш вақтимда опамнинг олдига бориб, сўзана тикишларини томоша қилардим. Баъзан опам сўзаналарни уйга келтириб тикар эди. Аммо сўзаналарнинг нусхаси доим бир хил бўларди. Бунга ҳайрон бўлиб Сабоҳат опамдан сўрардим.

— Нега доим бир хил нусхада тикасиз, бошқа нусхалар яратсангиз бўлмайдими!

— Ишхонада сўзананинг нусхасини чизиб берадиган наққош усталар бор. Улар ниманики зарур топишса, шуни тикамиз, — дерди Сабоҳат опам. Шунда ўзимга-ўзим «Агар ўқишни тугатиб шу ерга ишга кирсам, албатта сўзаналар учун янги-янги нусхалар яратаман» деб дилимга тугиб қўйган эдим.

Ниҳоят, Саодат 1951 йилда Тошкентдаги 23-ўрта мактабни тугатгач, тўппа-тўғри опаси ишлаётган фабрикага кириб ишлай бошлади. У аввал оддий тикувчи бўлиб ишлади, аммо ўз ишига меҳр қўйиб, тез орада попоп тикиш сирларини ўзлаштириб олди. Ўзича янги нусхадаги сўзана, чойшаб ва гулкўрпалар тика бошлади. Ҳаракатчан қиз тезда жамоа ўртасида кўзга ташланди. Унинг тиккан кашталари корхонадаги чеварлар ўртасида оғизга тушди. Ҳатто у яратган сўзаналар кўргазмаларга юбориладиган бўлди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, фабрика қошидаги комиссия Саодат Тоҳировага уста вазифасини берди.

Эндиликда эса унинг ўз шогирдлари бор. Уларга каштачилик сирларини қунт билан ўргатди. Бу даврда корхона кенгайиб, 10 га яқин цех вужудга келди. Унинг шуҳрати фақат республикага эмас, балки чет элларга ҳам тарқала бошлади. Улар яратган сўзаналар Бухарест, Монреал ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда катта эътибор қозонди. 1960 йилда, Москвада СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида Саодатхон яратган сўзана қабул қилинди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

— 1968 йилда кунлардан бирида фабрикамиз директори мени ҳузурига чақириб: «Сизга доҳиймиз В. И. Ленин сиймоси акс эттирилган сўзана яратишни ишониб топширамиз» деганда қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Сўзана 1970 йил бошларида тайёр бўлиши керак эди.

Саодат ўша кундан бошлаб кунни-тунга улаб, янги нусхалар излай бошлади. Ниҳоят, тинимсиз меҳнат натижасида қалб ҳарорати жо бўлган сўзана тайёр бўлди! У юбилей комиссияси тасдиғидан ўтиб, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига тақдим этилди. Бу эса Саодатхоннинг ҳаётида энг унутилмас воқеа бўлиб қолди.

С. Тоҳированинг меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда. «Ҳурмат Белгиси» ордени, бир неча медаль ва нишонлар билан тақдирланган. Шу билан бирга у «1 даражали наққош уста» нишонини ҳам олган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлган. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликка сайланиб, 4 йил давомида халқ хизматини ҳам муносиб адо этиб келди.

Ҳозир Тоҳировлар сулоласидан 10 га яқин киши тикувчи ва попопчи бўлиб ишламоқда. Биз шулардан бири — Саодатхоннинг меҳнат фаолияти билан таништирдик. Унинг касбини меҳр билан ўрганиб бораётган Наима Абдураҳимонова, Дилбар Тоҳирова, Муаттар Файзиевалар Тоҳировлар хонадонининг сулолаларидир.

Саодат Тоҳирова қадрдон корхонасида 40 йилдан буён меҳнат қилиб, ҳозир 60 ёшга қадам қўймоқда. Шу туфайли у ўз шогирдлари ичидан 30 нафар моҳир чеварларни танлаб олиб, бирлашма қошида алоҳида «Олий нав маҳсулот ишлаб чиқарувчилар» бригадасини ташкил этди. Бригада аъзолари Саодат опа бошчилигида сўзананинг янги нусхаларини ишлаб чиқармоқдалар. Янги нусха яратиш билан улар бир нечасини тикиб, савдога чиқарадилар. Агар харидор кўпайса, савдо ходимларининг талабига кўра яна кўплаб ишлаб чиқарадилар. Мана, 5 йил ичида яратилган «Тўйхона безаклари», «Томоша қилинг», «Пота — сўзана» кабилар харидорларга маъқул бўлмоқда. Бу янги нусхаларни яратишда бригаданинг илғор аъзолари Матлуба Дўстматова, Минаввар Омонова, Муҳаббат Юнусхўжаева, Илмира Ризаева, Раъно Қўқоноваларнинг хизматлари каттадир. Ўз касбига меҳр қўйиб ишлаётган ёшлардан Манзура Яквалхўжаева ва Маъмура Тошмуҳамедовалар попоп цехида унинг муносиб шогирдлари бўлиб етишишяпти.

Саодат Тоҳированинг ишларини ўйлар экансиз, бутун умрини ўзбек халқининг қадимий санъатига бахшида этаётган юзлаб шогирдларни тайёрлаган чеварлар чеварига тасаннолар айтгинг келади!

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

ИНСОФНИ УНУТГАНЛАР

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати Фрунзе районидагина эмас, балки шаҳримиздаги энг йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири ҳисобланади. Район бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 60 фоизи айнан мана шу корхона ҳисобига тўғри келади.

Комбинатда 12,5 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Лекин беш қўл баравар эмас деганларидек, улар орасида тўғриси ҳам, эгриси ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, кейинги вақтларда корхонада ташкил этилган ишчи назорати аъзолари номига тез-тез шикоят хатлари туша бошлади. Уларда комбинатдаги ташмачилар хусусида сўз бўларди. Ишчиларнинг ҳақли эътирозларини ҳисобга олиб ишчи назорати бир неча бор текширув ўтказди. Шунга кўра шу йилнинг январь, февраль ойларда катта-кичик 16 та ташмачилик фош этилди. Ҳисоб-китобларга кўра бундан корхона 475 метр тайёр маҳсулотни йўқотарди.

Пардозлаш фабрикаси корхонанинг жон ва қон томири ҳисобланади. Бу ерда турли-туман бежирим газламалар ишлаб чиқарилиб, мамлакатимиз ва хориждаги буюртмачиларга жўнатилади. Фабрикада ишлаб чиқарилаётган тайёр газлама ўзининг сифатлилиги ва бежиримлилиги билан нафақат ишчини, балки харидорни ҳам ўзига мафтун этмоқда. Бироқ, газламалар савдо марказларидан кўра чайқовга тезда етиб бормоқда.

Харидор уни ўз нархида эмас, балки икки-уч баравар қимматига бозордан сотиб олмоқда. Шу ерда бир савол туғилади: хўш, бу газламалар чайқовга қандай йўл билан бораяпти?

Корхонанинг қоровулхона бўлимига кириб, юқоридаги саволга жавоб топгандек бўлдик. Январь ойида пардозлаш фабрикаси мусаввири Гуля Қодирова қиймати 210 сўмдан ортиқ бўлган 72 метр хом сурпни олиб чиқиб кетаётганда қўлга тушди. Шу фабрика ишчиси Аҳад Хўжақулов ҳам 72 метр газлама билан ушланди. Безак туширувчи Ғайрат Узоқов ташмачиликда февраль ойида улоқни ўзида олиб кетди. Бу азамат «Ё донғим, ё чангим чиқсин» қабилида иш тутган. 2 февраль куни қиймати 337 сўмдан ортиқ 218 метр читни олиб чиқаётганда қармоққа тушган балиқдек типирчилаб қолди. Ҳар учала ташмачининг иши Фрунзе район ички ишлар бўлимига топширилди.

Текширувда безак туширувчи Шуҳрат Сафаров 9,5, сараловчи Анора Раҳимжонова 6,5, аппаратчи Марина Соловьёва 17,5, назоратчилар Дилфуза Мелиева — 2,5, Гулбола Аширбоева 30 метр газламани олиб чиқиб кетишаётганда қўлга тушдилар.

Ташмачилик биргина пардозлаш фабрикасида эмас, корхонанинг бошқа ишлаб чиқаришларида ҳам содир бўлмоқда. Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, ипйигирув фабрикасида ишчи Анора Қурбонова — 5,5, назоратчи Валентина Куклянчикова — 6, ишчи Роҳила Пўлатова — 11, тўқувчи Гулчеҳра Облоқулова — 4,3, 2-йигирув тўқув фабрикасидан юк ташувчи Б. Худойбердиев — 3, тўқувчилар Мунира Абаровхунова — 6, Гулбаҳор Алибоева — 3 метр хом сурп ва докаларни олиб чиқишаётганда ишчи назорати ходимлари томонидан тўхтатилдилар.

Ташмачиларнинг 11 нафари хотин-қизлардир. Бу 8,5 минг хотин-қиз ишлайдиган корхона учун шармандали ҳолдир. Бундан фабрика ва цехлардаги ўртоқлик судлари, халқ назоратчилари олиб бораётган ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди, деган хулосага келиш мумкин. Бу ачинарли ҳолдир. Кўриниб турибдики, корхонада ташмачиликка барҳам берилмас экан, у томир отиб охир-оқибат ёмон салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун эса ягона халқ назорати гуруҳларининг ишини янада жонлантириш керак.

Б. ОРИПОВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«КУЯСИЗМИ, КУЛАСИЗМИ?»

⊙ «Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 6 январь сонида босилган ана шу сарлавҳа остидаги танқидий мақолада баъзида йўллар ўйламай-нетмасдан, режасиз қурилгач, кўп ўтмай яна уни бузишга тўғри келиши, бу эса ўша йўл тушган маҳалла аҳолисини безовта қилаётгани аниқ мисолларда айтиб ўтилган эди.

Бу мақолани текшириб, чора кўриш учун халқ депутатлари Фрунзе район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Редакция ижроия комитет раиси Х. Охунжонов имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди:

— «Мақолани муҳокама қилдик. Шу нарсани маълум қиламизки, «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилган. Ана шунга мувофиқ Физкультура — Грузовой кўчаларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш мақсадида суғориш тармоғини ўтказиш (водопровод орқали сув сепиш) ишлари олиб борилмоқда. Бу ишни «Южанка» ширкати олиб боряпти. Бу иш ниҳоясига етгач, кўча ва унга туташ ерлар ободонлаштирилади».



⊙ ҚОҲИРА. Яқин Шарқдаги хатарли вазият ана шу регионни оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган зонага айлантириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўришни талаб қилмоқда, деди Миср Араб республикаси ташқи ишлар министри Абдул Мажид БМТ бош секретари номига йўллаган мактубида.

Миср матбуотининг хабар қилишича, ташқи ишлар министри Яқин Шарққа бундай қуролнинг кириб келиши бу ердаги хавфсизлик ва барқарорликка аниқ хавф солади, деб таъкидлади. Ўз ядровий программаларига эга бўлган Миср ва бошқа араб мамлакатлари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномага қўшилдилар, ўзларининг ядро соҳасига тааллуқли объектларини МАГАТЭ назоратига топширдилар. Региондаги барча давлатлар ўз зиммаларига шундай мажбурият олишлари зарур. Шунингдек Миср халқаро ва региондаги тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатларини кўзлаб Яқин Шарқда ҳар қандай оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиб ташлаш умумий жараёнида химиявий қуролни тугатиш учун курашади, деб таъкидланади мактубда.

⊙ ТУНИС. Фаластин савдо-саноат доиралари вакилларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида Фаластин банкини тузишга қарор қилинди. Фаластин Озодлик ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган бу учрашувда 100 дан ортиқ савдо-саноат эгалари қатнашдилар. Улар Тунис пойтахтига Форс кўрфазидаги араб мамлакатларидан, Лотин Америкаси, Европа, Африка давлатларидан ва Австралиядан келишган.

Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат тўпланганлар ҳузурида сўзга чиқиб, ҳозир мустақил Фаластин давлатининг иқтисодий негизларини яратиш тўғрисида ўйлаш лозимлигини айтди. Махсус фонд тузилди, унинг вазифаси — босиб олинган территорияларда иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни пул билан таъминлашдан иборат. Бу фонд маблағлари, хусусан, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга, касб ўргатишга, ишлаб чиқарилган товарларни халқаро бозорга олиб чиқиш йўлларини излашга сарфланади. ВАФА агентлигининг маълумотларига қараганда, кенгаш қатнашчилари ана шу товарларни Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатларга ва Скандинавия давлатларига жўнатиш имкониятларини кўриб чиқдилар.

⊙БАЙРУТ. Шарқий Байрутнинг мудофаа министрлиги биноси жойлашган (бу бинони Ливан қуролли кучларининг собиқ қўмондони генерал Мишель Аун эгаллаб олган) Ярзе районида кучли портлаш юз берди. «Любнан ал Ҳурр» радиостанциясининг хабар қилишича, сабаби ҳали номаълум бўлган бу портлаш Аунга бўйсунган алоҳида мақсадларга мўлжалланган ва «зарбдор куч» номи билан машҳур бўлган қўшинлар қароргоҳини ларзага солди. Дастлабки маълумотларга қараганда уч ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, бир неча ҳарбийлар, жумладан «зарбдор куч» командири Антуан Абу Самр ярадор бўлди. Алоҳида қўшинлар жойлашган бинонинг икки қавати вайрон бўлди.

⊙ БРАЗИЛИА. Ҳамкорликнинг янги ноанъанавий шаклларини, товар оборотини кўпайтириш ва товар ҳамда хизмат турларини кенгайтириш йўлларини қидириш, инвестиция сиёсати шароитлари билан танишиш, амалий алоқаларни йўлга қўйиш — — Сан-Паулуда бошланган СССР ва Бразилия савдо-саноат доиралари вакиллари семинарида муҳокама этилаётган масалаларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Бу семинар Сан-Паулу штатининг «Банеспа» банки ва Бразилия савдо-сотиқ доираларининг «Газета меркантил» нуфузли нашри ташаббуси билан ташкил этилди.

Бу семинарга бўлган қизиқиш даражасини, унда қатнашиш учун ҳар бири 50 минг крузейро (минг долларга яқин) тўлаб бир неча юз корчалон ёзилгани ҳам кўрсатиб турибди. Совет делегациясига СССР медицина саноати министрининг биринчи ўринбосари Л. П. Телегин бошчилик қилмоқда.

Кейинги йилларда юқори даражада сиёсий мулоқотга эришилганига қарамай, савдо-иқтисодий муносабатлар мамлакатимизнинг имкониятларига нисбатан анча паст даражада қолмоқда. Амалий алоқаларни кенгайтириш ва товар айирбош қилишни мутаносиб қилиш иккала томоннинг ҳам муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бу борада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларидан бири, бу ердагиларнинг фикрича, қўшма корхоналар ташкил этишдир. «Иқтисодиётларимиз бир-бирини ўзаро тўлдириши, — деб ўз фикрини баён қилади «Газета меркантил» шуни кўрсатаяпдики, қўшма корхоналар анъанавий экспорт-импорт айирбошлашга реал муқобил бўла олади. Замонавий технологияларни биргаликда ўзлаштиришда ҳам катта истиқболлар очилмоқда. Бу соҳаларда бирмунча тажриба тўпланган ва у кўпайтирилиши лозим, чунки бунинг учун сиёсий ирода ва иккиёқлама қизиқиш бор, деб таъкидлайди газета.

(ТАСС).



⊙ Деҳли маъмурлари кашандаликка қарши кураш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб боришаяпти. Тамаки мухлисларини кутаётган мудҳиш истиқбол манзаралари тасвирланган мана шундай шиорлар (суратда) пойтахтнинг кўпгина гавжум кўчаларида ўрнатилган. «Навбатдаги сигаретани чекишдан олдин тўхтаб, ўйлаб кўр!» — деб даъват этишади уларнинг муаллифлари.

С. Кармалито (ТАСС) сурати.

«Кексаларимиз—сафда» танловига

«Тошкент ва тошкентликлар»

● Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида мамлакатимиз халқларн қаторн тошкентликлар ҳам Буюк Ғалабага муносиб ҳиссаларнин қўшдилар. Жумҳуриятимиз пойтахтининг минглаб асл фарзандлари фронтга жўнадилар. Кўпларнинг жасорати тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилди. Бир неча ҳамшаҳримизга эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонн берилди. Уша долғали йилларда кексалар, аёллар ва ўсмирлар Тошкентда турнб Совет Армиясига мадад бердилар. Уруш бўлаётган жойлардан кўчирилган жабрдийдаларнн ўз бағрларига олдилар.

Тарих фанларн номзоди, доцент Р. Шариповнинг «Тошкент ва тошкентликлар» асарида шу ҳақда ҳикоя қилинади. Унинг бир қисмн эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗ ҳудудига гитлерчи галаларнинг бостирнб кирганлиги ҳақидаги ҳукумат хабари бутун шаҳар партия ташкилотини оёққа турғазди. Шошилинч равишда шаҳар партия комитетида чақирилган кенгашда уруш бошланганлиги муносабати билан шаҳар ва район партия комитетларнинг, бошланғич партия ташкилотларининг ҳамда меҳнаткашлар депутатлари советларининг биринчи навбатдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Шундан кейин район партия комитетларида фаолларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Ана шу йиғилишларнинг кун тартибида бир масала: гитлерчилар армияларининг мамлакатимизга бостирнб кирганлиги ҳақидаги ҳукумат хабари ва партия ташкилотларининг вазифалари масаласи турар эди.

Шаҳар ва район партия комитетларидаги кенгашларнинг қарорлари меҳнаткашлар инқилобий онгини оширишда, Ватанимизга хавф солиб турган хатар олдида саросимага тушиш туйғусини тугатишда, аҳолида Совет Иттифоқи олиб бораётган уруш адолатли уруш эканлигига, ёвуз душман — Германия фашизми устидан муқаррар ғалаба қозонилажагига ишонч туйғусини тарбиялашда катта роль ўйнади.

— Ҳаммамиз қўлимга милтиқ оламан, — деб бошлади ўз сўзини ҳарбий хизматга чақирилувчи, комсомол комитетининг секретари Умаров. — Мен, ўртоқлар, ҳаддимдан ошган душманни шафқатсизларча яксон қилишга ваъда бераман. Бу ерда сиз аҳиллик билан меҳнат қилинг, меҳнат унумдорлигини оширинг, бизнинг куч-қудратимиз қудратли ҳарбий техникада, социалистик саноатда, колхоз далаларидаги юқори ҳосилларда. Бизнинг кучимиз халқ билан армиянинг буюк бирлигида, совет ҳукуматига ва жонажон партиямизга чексиз садоқатдадир.

Шаҳар саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ўз нутқларида ва якдиллик билан қабул қилинган қарорларда жонажон Ватанимизнинг шони, озодлиги ва мустақиллиги учун дарҳол қўлга қурол олиб немис-фашист босқинчиларига қарши отланишга тайёр эканликларини бир овоздан маълум қилдилар. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш режаларини муддатидан илгари бажариш, оширнб бажариш учун қудратли социалистик мусобақа қулоч ёйди.

Ильич номидаги завод фрезерчиси коммунист А. Ф. Соколов бир ярим сменадан ишлаб, ҳар куни уч нормани бажарар эди. Токарь Конлов ва электр пайвандчи Надоршин ундан ҳам олиб бир ярим сменадан ишлай бошладилар. Шу кунларда Ильич номидаги заводнинг кўпгина ишчилари коммунистлар намунасидан илҳом олиб, мунтазам уч нормани ва ундан ҳам оширнб бажардилар. Йўнувчилар Тўлаганов, Йўлдошев ва бошқа талайгина ишчилар шулар жумласидандир.

23 июнга ўтар кечаси «Ташсельмаш» заводининг илғарн топшириқларни аранг адо этиб келган механика цехининг иккинчи сменаси планни 115 фоизга бажарди. Завод қуюв цехининг қолипловчилари коммунистлар Щепков ва Яровой 23 июнь куни норманн уч ҳисса оширнб адо этдилар.

ВКП(б) ва ВЛКСМ аъзолари Ульянова, Рихсиева, Теплякова, Фадеева ва бошқа кўпчилик ана шу завод партия комитети номига ариза бериб, Қизил Армия сафларига кўнгилли равишда қабул қилинадилар. Завод иккинчи цехининг 35 нафар коммунист ишчилари кўнгилли равишда Қизил Армия сафига кирши истагини билдирнб, ариза берди. Тошкент пойабзал фабрикаси штампалаш цехининг барча ходимлари, гўшт комбинатининг етти нафар коммунист ишчиси ва Тошкент транспорт институтининг саккиз нафар комсомол қизи ва бошқалар ҳам ана шундай истакларини баён этдилар.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатининг 135 нафар комсомол аъзоси кўнгилли равишда фронтга йўл олди.

Октябрь районида истиқомат қилувчи Тоҳирэ Саидхўжаева шундай деб ёзган эди: «Менинг турмуш ўртоғим — фронтда қизил командир, у душманга қарши жанг қилмоқда. Мен тикувчилик фабрикасида ишга бораман, шу ерда ўз меҳнатим билан унга ёрдам бераман. Бу ҳаммаси эмас. Мен ҳарбий ишни ўрганаяпман. Агар зарур бўлса, фронтда ҳам қураша оламан».

«Ташсельмаш» заводидан 1932 йилда нафақага чиққан Ҳалима Раҳимбердиева 1941 йилнинг 23 нюнида ишлаб чиқаришга келиб, яна ишга қабул қилишларини илтимос қилди: «Ҳозир уйда ўтиролмайман. Мен ишлаб чиқаришда ҳар қандай эркакнинг ўрнини босишга қодирман», — деди ватанпарвар аёл. Октябрь инқилоби номли заводда нафақадаги тажрибали усталар — коммунистлар М. Н. Давидов, Д. А. Фролов, В. Фольковский, Д. А. Горшков ва бошқалар яна дастгоҳлар ёнидан жой олдилар. Улар ёшлардан малакали ишчиларни тайёрлашда катта роль ўйнадилар.

1941 йилнинг 11 июлида бўлиб ўтган, Тошкент шаҳар партия комитети ташкил этган пенсионерлар, уруш ва меҳнат ветеранлари митингининг мурожаатида шундай дейилган эди: «Биз қайтадан Қизил Армия ва флоти жангчиларининг кийимини кийдик, фабрика ва заводларда дастгоҳ ёнида ишлаяпмиз, социалистик корхоналарни ҳимоя қилаяпмиз, аҳолини ҳарбий ишга ўргатишга раҳбарлик қилаяпмиз. Барча ўртоқларимизни биздан намуна олишга даъват этамиз, совет халқи бизни Ватанимизни фаол ҳимоя қилишга чорламоқда».

Мурожаат қизғин қўллаб-қувватланди. Бир ярим ойнинг ичидагина мингдан зиёд шаҳардаги ногиронлар ва пенсионерлар уйда ва ногиронларнинг матлубот системасида меҳнат қила бошладилар.

Урушнинг дастлабки кунлари мамлакат мудофаа фондини ташкил этиш учун умумхалқ ҳаракати совет ватанпарварлигининг ажойиб кўринишларидан бири бўлди.

1941 йилнинг 29 июлидан 1 августига қадар Тошкент корхоналари ва муассасаларининг партия ташкилотлари «Правда» газетасининг 1941 йил 28 июль сонида эълон қилинган «Меҳнаткашлар мудофаа фонди ташкил этишни таклиф қилмоқчилар» мақоласининг муҳокамасига бағишланган йиғилишлар ва митингларни ўтказдилар. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар мамлакатимиз илғор фабрика ва заводларининг СССР Мудофаа фондини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон КП(б) Тошкент шаҳар комитети бюросининг қарори билан ҳарбий техника қурилишига Тошкент меҳнаткашларидан маблағлар йиғиш бўйича ташаббускор гуруҳ ташкил этилди. Ана шу гуруҳ таркибига шаҳарнинг партия, хўжалик ходимлари ва олимлар кирди.

Барча совет кишилари каби Тошкент меҳнаткашлари ана шу фондга ўз пулларини, зеб-зийнатларни, облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо буюмларни, фойдаланилмаган отпуска пулларини топширардилар, шунингдек, ҳар ойда бир дам олиш куни ишлаб берардилар ва ҳоказо. Масалан, Тошкент шаҳри заводларидан бирининг цех бошлиғи коммунист Борисов 2000 сўм нақд пулини ва ўз автомашинасини ана шу фондга ўтказди.

«Қизил тонг» фабрикасининг жамоаси Мудофаа фондига 23321 сўм, Ильич номидаги завод ишчилари — 7926 сўм, Тоштрам ишчи ва хизматчилари — 2388 сўм, Тошкент олимлари 68000 сўм пул ўтказдилар. 1941 йилнинг сентябрь ойига келиб Тошкент аҳолисидан йиғилган маблағлар 5,5 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этди. Октябрь социалистик инқилобининг 24 йиллигига келиб мазкур фонд 6 миллион 700 минг сўмгача кўпайди.

Мудофаа фондига маблағлар бошқа манбаалардан ҳам келиб қўшиларди. Жумладан, 1941 йилнинг 31 июлида Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия ташкилоти халқ мудофаа фондини ташкил этиш масаласини муҳокама қилиш учун фабрикада кўп минг кишилик митинг уюштирди. Комбинат коллектива ВКП(б) Марказий Комитетининг чақирнғига большевикча ишлар: ишни янада яхшилаш ва планга қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олиш билан жавоб беришга қарор қилди.

Уруш бошланиши билан Тошкент шаҳар партия ташкилоти шаҳар саноатини ҳарбий изга ўтказиш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Давлатнинг ва маҳаллий саноатнинг жуда кўп йирик, ўрта ҳол ва майда корхоналарини тинчлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан ҳарбий техникани, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни ишлаб чиқаришга ўтказиш керак эди. Бу эса кўпгина цехларнинг қайта жиҳозланишини, дастгоҳларни янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштиришни талаб қиларди. Инженер-техник ходимлар ва ишчилар олдида қисқа муддат ичида мудофаа аҳамиятига эга бўлган буюмларнинг муайян турларини ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш, моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш вазифаси турарди. Айни вақтда жумҳуриятимизнинг мавжуд заводларида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарилиши сезиларли равишда жўнаб кетган кўпгина мутахассислар ва тажрибали ишчиларга ўринбосарларни топиш, ишчи ўринбосарлари сафини кенгайтириш ва янги ишчи-мутахассислар тайёрланишини таъминлаш зарур эди. Ниҳоят, корхоналарда ҳарбий вазият талаб қилганидек, тнғиз иш маромини йўлга қўйиш керак эди.

Эндиликда кўп нарса саноатга боғлиқ эди. Шунинг учун барча корхоналарнинг узлуксиз, юксак самарадорлик билан ишлаши душман устидан қозонилажак ғалабанинг муҳим шарти бўлиб қолди. Ушбу масала Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети, область ва шаҳар партия комитетларининг бюро мажлислари ва пленумларида бир неча маротаба муҳокама қилинди.

Р. ШАРИПОВ,
тарих фанларн номзоди, доцент.



I.«ҚЎЛИМГА ҚУРОЛ ОЛАМАН»

Масалан, 1941 йилнинг 24 июнида Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг мажлиси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнаткашлари ўртасида тушунтириш ишларини кенг авж олдириш, ҳарбий давр вазиятидан келиб чиқадиган янги вазифаларни ана шу тушунтириш ишларига асос қилиб олиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шаҳар ва район партия комитетларидаги кенгашларнинг қарорлари меҳнаткашлар инқилобий онгини оширишда, Ватанимизга хавф солиб турган хатар олдида саросимага тушиш туйғусини тугатишда, аҳолида Совет Иттифоқи олиб бораётган уруш адолатли уруш эканлигига, ёвуз душман — Германия фашизми устидан муқаррар ғалаба қозонилажагига ишонч туйғусини тарбиялашда катта роль ўйнади.

— Ҳаммамиз қўлимга милтиқ оламан, — деб бошлади ўз сўзини ҳарбий хизматга чақирилувчи, комсомол комитетининг секретари Умаров. — Мен, ўртоқлар, ҳаддимдан ошган душманни шафқатсизларча яксон қилишга ваъда бераман. Бу ерда сиз аҳиллик билан меҳнат қилинг, меҳнат унумдорлигини оширинг, бизнинг куч-қудратимиз қудратли ҳарбий техникада, социалистик саноатда, колхоз далаларидаги юқори ҳосилларда. Бизнинг кучимиз халқ билан армиянинг буюк бирлигида, совет ҳукуматига ва жонажон партиямизга чексиз садоқатдадир.

Шаҳар саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ўз нутқларида ва якдиллик билан қабул қилинган қарорларда жонажон Ватанимизнинг шони, озодлиги ва мустақиллиги учун дарҳол қўлга қурол олиб немис-фашист босқинчиларига қарши отланишга тайёр эканликларини бир овоздан маълум қилдилар. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш режаларини муддатидан илгари бажариш, оширнб бажариш учун қудратли социалистик мусобақа қулоч ёйди.

Ильич номидаги завод фрезерчиси коммунист А. Ф. Соколов бир ярим сменадан ишлаб, ҳар куни уч нормани бажарар эди. Токарь Конлов ва электр пайвандчи Надоршин ундан ҳам олиб бир ярим сменадан ишлай бошладилар. Шу кунларда Ильич номидаги заводнинг кўпгина ишчилари коммунистлар намунасидан илҳом олиб, мунтазам уч нормани ва ундан ҳам оширнб бажардилар. Йўнувчилар Тўлаганов, Йўлдошев ва бошқа талайгина ишчилар шулар жумласидандир.

23 июнга ўтар кечаси «Ташсельмаш» заводининг илғарн топшириқларни аранг адо этиб келган механика цехининг иккинчи сменаси планни 115 фоизга бажарди. Завод қуюв цехининг қолипловчилари коммунистлар Щепков ва Яровой 23 июнь куни норманн уч ҳисса оширнб адо этдилар.

ВКП(б) ва ВЛКСМ аъзолари Ульянова, Рихсиева, Теплякова, Фадеева ва бошқа кўпчилик ана шу завод партия комитети номига ариза бериб, Қизил Армия сафларига кўнгилли равишда қабул қилинадилар. Завод иккинчи цехининг 35 нафар коммунист ишчилари кўнгилли равишда Қизил Армия сафига кирши истагини билдирнб, ариза берди. Тошкент пойабзал фабрикаси штампалаш цехининг барча ходимлари, гўшт комбинатининг етти нафар коммунист ишчиси ва Тошкент транспорт институтининг саккиз нафар комсомол қизи ва бошқалар ҳам ана шундай истакларини баён этдилар.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатининг 135 нафар комсомол аъзоси кўнгилли равишда фронтга йўл олди.

Октябрь районида истиқомат қилувчи Тоҳирэ Саидхўжаева шундай деб ёзган эди: «Менинг турмуш ўртоғим — фронтда қизил командир, у душманга қарши жанг қилмоқда. Мен тикувчилик фабрикасида ишга бораман, шу ерда ўз меҳнатим билан унга ёрдам бераман. Бу ҳаммаси эмас. Мен ҳарбий ишни ўрганаяпман. Агар зарур бўлса, фронтда ҳам қураша оламан».

«Ташсельмаш» заводидан 1932 йилда нафақага чиққан Ҳалима Раҳимбердиева 1941 йилнинг 23 нюнида ишлаб чиқаришга келиб, яна ишга қабул қилишларини илтимос қилди: «Ҳозир уйда ўтиролмайман. Мен ишлаб чиқаришда ҳар қандай эркакнинг ўрнини босишга қодирман», — деди ватанпарвар аёл. Октябрь инқилоби номли заводда нафақадаги тажрибали усталар — коммунистлар М. Н. Давидов, Д. А. Фролов, В. Фольковский, Д. А. Горшков ва бошқалар яна дастгоҳлар ёнидан жой олдилар. Улар ёшлардан малакали ишчиларни тайёрлашда катта роль ўйнадилар.

1941 йилнинг 11 июлида бўлиб ўтган, Тошкент шаҳар партия комитети ташкил этган пенсионерлар, уруш ва меҳнат ветеранлари митингининг мурожаатида шундай дейилган эди: «Биз қайтадан Қизил Армия ва флоти жангчиларининг кийимини кийдик, фабрика ва заводларда дастгоҳ ёнида ишлаяпмиз, социалистик корхоналарни ҳимоя қилаяпмиз, аҳолини ҳарбий ишга ўргатишга раҳбарлик қилаяпмиз. Барча ўртоқларимизни биздан намуна олишга даъват этамиз, совет халқи бизни Ватанимизни фаол ҳимоя қилишга чорламоқда».

Мурожаат қизғин қўллаб-қувватланди. Бир ярим ойнинг ичидагина мингдан зиёд шаҳардаги ногиронлар ва пенсионерлар уйда ва ногиронларнинг матлубот системасида меҳнат қила бошладилар.

Урушнинг дастлабки кунлари мамлакат мудофаа фондини ташкил этиш учун умумхалқ ҳаракати совет ватанпарварлигининг ажойиб кўринишларидан бири бўлди.

1941 йилнинг 29 июлидан 1 августига қадар Тошкент корхоналари ва муассасаларининг партия ташкилотлари «Правда» газетасининг 1941 йил 28 июль сонида эълон қилинган «Меҳнаткашлар мудофаа фонди ташкил этишни таклиф қилмоқчилар» мақоласининг муҳокамасига бағишланган йиғилишлар ва митингларни ўтказдилар. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар мамлакатимиз илғор фабрика ва заводларининг СССР Мудофаа фондини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон КП(б) Тошкент шаҳар комитети бюросининг қарори билан ҳарбий техника қурилишига Тошкент меҳнаткашларидан маблағлар йиғиш бўйича ташаббускор гуруҳ ташкил этилди. Ана шу гуруҳ таркибига шаҳарнинг партия, хўжалик ходимлари ва олимлар кирди.

Барча совет кишилари каби Тошкент меҳнаткашлари ана шу фондга ўз пулларини, зеб-зийнатларни, облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо буюмларни, фойдаланилмаган отпуска пулларини топширардилар, шунингдек, ҳар ойда бир дам олиш куни ишлаб берардилар ва ҳоказо. Масалан, Тошкент шаҳри заводларидан бирининг цех бошлиғи коммунист Борисов 2000 сўм нақд пулини ва ўз автомашинасини ана шу фондга ўтказди.

«Қизил тонг» фабрикасининг жамоаси Мудофаа фондига 23321 сўм, Ильич номидаги завод ишчилари — 7926 сўм, Тоштрам ишчи ва хизматчилари — 2388 сўм, Тошкент олимлари 68000 сўм пул ўтказдилар. 1941 йилнинг сентябрь ойига келиб Тошкент аҳолисидан йиғилган маблағлар 5,5 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этди. Октябрь социалистик инқилобининг 24 йиллигига келиб мазкур фонд 6 миллион 700 минг сўмгача кўпайди.

Мудофаа фондига маблағлар бошқа манбаалардан ҳам келиб қўшиларди. Жумладан, 1941 йилнинг 31 июлида Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия ташкилоти халқ мудофаа фондини ташкил этиш масаласини муҳокама қилиш учун фабрикада кўп минг кишилик митинг уюштирди. Комбинат коллектива ВКП(б) Марказий Комитетининг чақирнғига большевикча ишлар: ишни янада яхшилаш ва планга қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олиш билан жавоб беришга қарор қилди.

Уруш бошланиши билан Тошкент шаҳар партия ташкилоти шаҳар саноатини ҳарбий изга ўтказиш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Давлатнинг ва маҳаллий саноатнинг жуда кўп йирик, ўрта ҳол ва майда корхоналарини тинчлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан ҳарбий техникани, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни ишлаб чиқаришга ўтказиш керак эди. Бу эса кўпгина цехларнинг қайта жиҳозланишини, дастгоҳларни янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштиришни талаб қиларди. Инженер-техник ходимлар ва ишчилар олдида қисқа муддат ичида мудофаа аҳамиятига эга бўлган буюмларнинг муайян турларини ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш, моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш вазифаси турарди. Айни вақтда жумҳуриятимизнинг мавжуд заводларида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарилиши сезиларли равишда жўнаб кетган кўпгина мутахассислар ва тажрибали ишчиларга ўринбосарларни топиш, ишчи ўринбосарлари сафини кенгайтириш ва янги ишчи-мутахассислар тайёрланишини таъминлаш зарур эди. Ниҳоят, корхоналарда ҳарбий вазият талаб қилганидек, тнғиз иш маромини йўлга қўйиш керак эди.

Эндиликда кўп нарса саноатга боғлиқ эди. Шунинг учун барча корхоналарнинг узлуксиз, юксак самарадорлик билан ишлаши душман устидан қозонилажак ғалабанинг муҳим шарти бўлиб қолди. Ушбу масала Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети, область ва шаҳар партия комитетларининг бюро мажлислари ва пленумларида бир неча маротаба муҳокама қилинди.

Р. ШАРИПОВ,
тарих фанларн номзоди, доцент.

ТАЪТИЛ пайти (институт талабаси эдим) отам иккимиз бирор ҳафта ҳордиқ чиқаргани шу қишлоққа келдик. Бурчмулла дам олиш уйида сайр қилиб юрган эдик, бир маҳал отам ким биландир сўрашишга тараддудланиб қолдилар. Разм солсам, қаршимиздан ёзувчи Ойбек ака рафиқаси Зарифа Саидносирова билан келардилар. Агар янглишмасам, уларнинг ёнларида машҳур математик олим Тошмуҳаммад Саримсоқов ва у кишининг турмуш ўртоғи ҳам бор эди.

Отам дарров Ойбекка қўл бериб кўришдилар. «Бу — ўглим», — деб ёзувчига мени таништирдилар. Қўл бериб кўришдилар. Ойбек ака отамни танир эканлар, анча гаплашишди. Нариманов номли техникумда ўқиган йилларини, ўртоқларини эслашишди. Сўнгра ёзувчи бизни қўйиб юбормай, елкамизга қўл солган кўйи дам олиш уйидан чиқаверишдаги чойхонага бошлаб бориб, сўридан жой кўрсатдилар. Ҳаммалари сўрига жойлашиб ўтиришди.

Отам иккимиз бир оз ўнғайсизланиб Ойбек акага яқинроқ ўтирдик. Чунки бизни бу ерга у киши бошлаб келган эдилар-да. Оқ халат кийиб олган чойхоначи ликобчада икки киши-икки кишилик қилиб кабоб ва чой тортди. Таажжубланиб Ойбек акага қараган эдик, чап қўлларини бир оз кўтариб: «Мен буюрганман», деган ишорани қилдилар. Отам билан мен қимтина-қимтина бир сихдан кабоб еган бўлдик. Шуни ҳам қандай қилиб денг: Ойбек аканинг бизга: «Олинглар, олинглар!» деган мулозамати туфайли тортиниб тановул қилдик.

Кейинги пайтларда касаллик асорати оқибатида Ойбек аканинг ўнг қўллари яхши ишламай қолган ва дуруст гапира олмасдилар. Шу боис Ойбек акани гапга солавериш, саволлар бериб мурожаат қилишнинг ўринсизлиги Зарифа опанинг бизга боққан илтижоли кўзларидан билиниб турарди.

Бир-икки пиёла чой ичилгач, Ойбек отам ва мени ўзига яқинроқ ўтиришни қўллари билан имлаб таклиф этдилар. Гап нимадалигини тушунмай, яқинроқ сурилдик. Бир пайт ўртада ўйналадиган карта пайдо бўлди. Аёллар бироз нарига чекинишди. Отам иккимиз нима учун чойхонага таклиф қилинганимиз аён бўлди. Ойбек ака бизни биргаликда карта ўйнаш учун бошлаб келган эканлар.

Буюк ёзувчига зимдан ахён-ахёнда кўз қирини ташлайман. Ойбек ака карталарни унчалик яхши букилмайдиган ўнг қўл бармоқлари орасига тартиб билан териб чиқардилар-да, тез-тез тамшаниб-тамшаниб, йирик-йирик кўзларини аввал менга, кейин ҳурматли «рақиблар»га тикадилар.

Ўйин давомида Ойбек ака «рақиблар»ни тез юришга ундардилар. Агар улар ўйинни кўпроқ пайсалга солиб, юришни чўзишса, «Тез, тез!», «Ҳа, ҳа!», деб қўярдилар. Мен «рақибларимиз»нинг ҳеч бўлмаса бирор марта ютишларини жуда-жуда истар эдим. Шу боисдан уларга гоҳ-тоҳ зимдан қараб қўярдим. Бироқ, «рақибларимиз» юз-кўзларини жиддийлик аломатлари эмас, балки қувонч, сахийлик, кўнгилчанлик, буюк алломага самимий эҳтиром қоплаб олган эди. Шу учун Ойбек аканинг шу эрмак ўйин баҳона, ҳеч кимнинг кулгисига ўхшамаган қаҳ-қаҳа отиб кулишларини кўриб-эшитишнинг ўзи бир олам қувонч эди!

Ёзувчи билан уч соатлар чамаси мулоқотда бўлиб, чойхонадан тарқалишдик. Дам олиш уйини сайр қила туриб, отам менга ёзувчининг талабалик йилларини тўлиб-тошиб сўзлаб бердилар.

Эртаси куни ўйин яна давом этади, деб сира ўйламаган эдим. Ойбек ака бизни яна учратиб, жуда қувониб кетдилар! Бизни кўришлари заҳоти «Кар... карта... ўйнаймиз!» дея чойхонага бошлаб бордилар. Тағин ўйин бошланди. «Рақибларимиз» ҳар гал ғолиб чиқаётганимизни кўриб, бош чайқаб ҳайратда қолишарди. Бу сафар ўйин узоққа чўзилмади... Сир очилиб қолди! Ойбек аканинг, рақиб юрган картани «кўзир» билан эмас, балки бошқаси билан босганлари сезилиб қолди. Сукунатни тўрт кишининг «портлаган» қаҳқаҳаси бузиб юборди. Ойбек ака қўлларидаги карталарнинг ҳаммасини ўртага ташлаб юбориб, шундай қаҳ-қаҳа отиб қулдиларки, бамисоли мана шу осмон ўпар тоғлар ҳам адиб кулгусига елка қоқиб жўр бўлди. У ўзини кулгидан тўхтата олмай такрорларди: «Аҳҳа... аҳҳа!... Бўлди... бўлди!... Ўйнамаймиз.... ўйнамаймиз! Бўлди!...» Тошмуҳаммад домла Ойбек акага шўхчан қараб: «Сиз кеча ҳам гирром ўйнаган экансиз, шунинг учун биз ҳадеб устма-уст ютқазаверган эканмиз-да. Оббо домла-ей, роса бизни бопладингиз-ку!» деб қулдилар. Ҳамманинг чеҳраси кулгидан гулдек яшнаб кетди.

— Яна атиги бир мартагина ўйнайлик, — деган таклифга ҳануз кулгисини тўхтата олмаётган Ойбек ака сира кўнмадилар:

— Бўлди... бўлди!.. Ўйнамаймиз!.. Ютқаздингиз... ютқаздингиз!..

... Бундан 35 йилча аввалги, тоғлар орасида тараланган ўша самимий қаҳ-қаҳа, ҳазил, ўша тарихий учрашув абадий ёдимдан ўчмайди.

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг етакчи муҳаррири, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

● СУРАТДА: икки атоқли адиб — Абдулла Қаҳҳор ва Ойбек.

Ёдномалар

ОЙБЕКНИНГ КУЛГУСИ



● 1956 йилнинг ёз ойлари. Бўстонлиқ районининг сўлим Бурчмулла қишлоғи. Пастда тошдан тошга урилиб зилол Кўк сув шовуллаб оқиб турибди. У одамни ўзига чорлайди, аллалайди, эркалайди. Бу ёққа азим Тошкентдан минглаб одамлар келиб, ором олиб кетишади.

Илм масканларида

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРДА

● КЎП миллатли мамлакатимизда жамиятимиз ахлоқий куч-қудрати ҳақидаги масала долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Миллатлараро муносабатларга бевосита дахлдор бўлган бу муаммо билим масканлари, олиб илмларини ҳам жиддий қизиқтирмоқда.

Ушбу масалаларни янада ойдинлаштириш мақсадида мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида миллатлараро муносабатларга доир дарслар ўтказиш лозим деб топилди. Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги, жумҳурият ўқув-методика маркази бундай машғулотларни уюштиришнинг асосий йўл-йўриқларини методик тавсия сифатида яқинда кенг ўқитувчиларга тақдим этди.

Унда дарсларни суҳбат, баҳс, матбуот конференцияси, брифинг ва бошқа шу каби шаклларда ўтказишнинг ўзига хос томонлари кўрсатиб берилди. Машғулотларнинг мазмуни ҳамда ифода воситалари хусусида фикрлар билдирилди. Ҳужжат дарсларда ўртага қўйиладиган масалаларни баён этиш, мисол ва далиллар келтириш, зарур муаммоларни биргалашиб ҳал қилишга доир методик фикрлар билан бойитилди.

Ўқитувчи миллий, иқтисодий, ижтимоий, демографик снёсатда йўл қўйилган камчиликларнинг миллатлараро муносабатларга кўрсатган салбий таъсирини ёритишга оид фактик мисоллар билан танишиши мумкин. Шу билан бирга КПССнинг «Ҳозирги шароитда партиянинг миллий снёсати» Ҳаракат дастури асосида ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар кўриб чиқилган.

«Миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича дарслар ўтказиш тўғрисида»ги бу ҳужжат ушбу мавзуни ўрганиш учун зарур методик маслаҳатлар билан ҳам бойитилган.

А. АЛИЕВ.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

● ДОҲИМИЗ В. И. Ленин айтганидек, ҳар бир миллат ўз тили, урф-одатн, тарихи, миллий маданияти билан барҳаётдир. Жумладан ўзбек халқи ҳам узоқ тарихий бой маданий меросга эга.

Яқинда Ҳамза районидаги 156-ўрта мактабда ўзбек халқининг қадимий амалий санъати бўйича тўпланган топилмаларни ўрганишга бағишланган район чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитувчиларининг семинари бўлиб ўтди.

— Мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси ўзбек халқининг бундан беш-олти аср аввал қўлда яратган идиш-буюмларини тўплаб, ҳайрли бир ишни бошлади, — деди район халқ таълими бўлими мудири Асомиддин Зиёмуҳамедов. — Айниқса бу ишга ўқувчиларни ҳам жалб этиб, улар қалбига ота-боболаримиздан қолган меросга қизиқиш уйғотганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Дарҳақиқат, семинарда қатнашган муаллимлар қозон, капкир, баркаш, патнис, обудаста, қумғон, шунингдек, сопол лаган, кўвача, хурмача, товоқ ва ёғочдан ишланган ўғир, келилар, мис шамдонларни қизиқиш билан томоша қилиб мазкур зиё маскани ўқитувчи ва ўқувчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Шаҳар ўқитувчилар билимини текшириш аттестация комиссияси Абдурасул Юсуповга кўп йиллик педагогик фаолияти ва мактабда ўзбек халқи амалий санъати музейн ташкил этгани учун катта ўқитувчи унвонини берди.

Қ. ТУЛАБОЕВ.

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

● ТЕХНОЛОГИЯ техникумининг талабаларидан тузилган фольклор ансамбли 1989 йилнинг сентябрь ойидан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ансамбль Куйбишев районн кўрик-танловида муваффақиятли қатнашгандан кейин шаҳар биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Яқинда техникум зали санъат мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда технология, бухгалтерия ҳисоби ва гидромелиорация техникумларининг фольклор ансамбллари шаҳар биринчилиги танловида қатнашдилар. Ҳар бир ансамбль аъзолари бир соат давомида ўз санъатларини — миллий лапар ўйинларини, она-Ватан ва баҳор мавзуидаги шеърларини намойиш этдилар. 10 балл тўплаган технология техникуми ансамбли биринчи ўринни эгаллади. Энди улар яқинда ўтадиган вилоят кўрик танловида қатнашадилар.

О. ЮСУПОВ.

ҚЎЛБОЛА ҚУРИЛМАЛАР

● ЖУМҲУРИЯТ ҳукуматининг болалар техника ижодиётини ривожлантириш тўғрисидаги қарори иқтидорли ёшлар истеъдодини ўстиришга қаратилган ҳужжат сифатида муҳим аҳамият касб этди. Бу дастур асосида ўқувчи-ёшларнинг космонавтика билан боғлиқ техника ижодкорлигига ҳам эътибор кучайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида «Космос», «Кичик интеркосмос» кўрик-танловларига қўплаб ишлар тақдим этилди. Бундай ижод намуналари орасида «Сатурн» сайёралараро учувчи космик кемаси, «Молния-1» ракета модели, «Заря» ракета ташувчи асбоб сингари қўлбола қурилмалар ҳам бор. Ёш техниклар станцияларида ихлос ва завқ-шавқ билан ясалган бу каби энг яхши техника ижодкорлиги нусхалари жамланиб, уларни кўрик-танловда намойиш этишга муваффақ бўлинди.

Тошкент шаҳридаги 34-мактаб биносида яқинда уюштирилган бу тадбир кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳамда жумҳурият ёш техниклар Марказий станцияси томонидан амалга оширилган мазкур мусобақада 30 дан ортиқ ёш авиамоделчи фаол қатнашди. Командалар мусобақасида эса Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ёш техниклари ғолибликни қўлга киритдилар. Ана шу тадбир доирасида ўтган «Космос» ва «Кичик интеркосмос» кўрик-танловлари ҳам кузатилган натижаларни берди. Беллашувларда бухоролик, наманганлик, фарғоналик, хоразмлик ёш фазогирлар ясаган турли қурилмалар ижобий баҳоланди. Ғолиблар Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

С. ОДИЛОВА.

Советлар мамлакатида

⊙ ХАРЬКОВ. «Харьковтракторозапчасть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг уч минг кишилик коллективи учун бепул овқатланиш жорий этилди. Бундай имкониятлар корхонада пландан ташқари тўпланган даромад туфайли пайдо бўлди. Корхонада ишлаб чиқарувчиларнинг бирон бир тоифаси эътибордан четда қолмаган. Кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган ишчиларга завод ҳисобидан улар сотиб олаётган кооператив квартираларнинг нархининг ярми ёки шахсий уйлар баҳосининг бир қисми — ўн минг сўми тўлана бошланди. Ёлғиз оналарга, шунингдек тўрт ёки ундан

ШАҲАР ОСМОНИДАГИ ҚУРУМ



Давлат автоинспекцияси ходимлари Тошкентдаги экологияга вазиятни хавфли даражага яқинлашиб қолди, деб бонг уришмоқда.

Бу — завод ва фабрикаларнинг айбими? Уларнинг ҳавони ифлослантиришдаги улуши катта. Лекин ҳар қалай ҳавога қўшилаётган зарарли чиқиндиларнинг 60 фоизидан кўпроғи автотранспорт ҳиссасига тўғри келади.

Вужудга келган вазиятни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги З. Сочавский шарҳлаб берди.

— Аҳвол жиддий. Кўчалар гавжум пайтида, айниқса машиналарнинг жуда катта оқими ҳаракатланадиган эрталабки соатларда шаҳар узра кўтарилган енгилгина тутун пардасини пайқаб олиш қийин эмас. Кейинги вақтда бу тутун пардаси тобора «оғирлашиб» бораётганлиги кузатилмоқда.

Олдимизда муҳим вазифа — шаҳар атроф-муҳитини муҳофаза қилишнинг ягона назорат системасини ташкил этиш вазифаси турибди. Бу соҳада табиатни муҳофаза қилиш шаҳар комитети, санитария-эпидемиология станцияси, жамоатчилик, автохўжалик раҳбарларининг ёрдамисиз бирор натижага эришиб бўлмайди.

Албатта, бу йўналишда кўпгина ишлар қилинаяпти. Автопаркда диагностика постлари ташкил қилинган, транспортнинг бир қисми ёнилғининг ҳавони камроқ заҳарлайдиган турларига ўтказилган (Тошкентда 15 мингдан зиёд автомобиль газ билан юради), ёнилғи ускуналарини созлаш билан шуғулланадиган жойлар, шу жумладан кооператив устахоналар тобора кўпаймоқда. Йўлларда текшириш учун 19 та пост ўрнатилган, шулардан 7 таси стационар постлардир.

Республика қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг ўқув маркази бизга катта ёрдам бераяпти. У углерод оксиди ва тутун миқдорини аниқлайдиган ускуналар билан жиҳозланган кўчма лабораторияларни яратди. У ҳозирча бундай кўчма лабораторияси бўлмаган автокорхоналарга шартномавий асосда хизмат кўрсатмоқда.

Лекин, кўрилаётган чоратадбирларга қарамай, вазият мураккаблигича қолмоқда. Давлат автоинспекциясининг диагностика станцияси ўтган йили 71 мингта енгил автомобилни текширган эди. Шулардан 8 мингтаси белгиланган талабларга жавоб бермаган. Агар бунга юк транспортини, автобусларни ҳам қўшадиган бўлсак...

Шуннинг учун ҳам текширишларнинг таъсирчанлиги энг ўткир масала бўлиб турибди. Ахир кўп заҳарли тутун чиқарадиган автомобиль аниқланганида биз фақат протокол тузиб, уни санитария-эпидемиология станциясига жўнатамиз, холос. Шу билан бизнинг вазифамиз тугайди.

Ички ишлар органлари кўп тутун чиқарадиган ва ҳавони заҳарли газлар билан юқори даражада булғайдиган техникадан фойдаланаётган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий таъсир чораларини қўллашлари мумкин бўлган қонун керак. Қўлга тушдингми — жарима тўла. Иккинчи бор қўлга тушсанг — икки баравар кўпроқ тўла.

Бу муаммо қанча тез ҳал этилса, республика пойтахти экологик жиҳатдан шунча тезроқ «тозаланади».

(ЎзТАГ).

Спорт

«ТЎҚИМАЧИ» ҲОМИЙ АХТАРМОҚДА

БУ команда ўйинини бир неча марта кузатганман. Ҳаракатлари чаққон, дадил. Ўтган йили қишда «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида ўйинчиларнинг сурати ҳам чиққан эди.

— Мен бундай команда борлигини биринчи эшитишим, — деди ҳайратланиб дўстим Улуғбек Хуррамов.— Турнирларда қатнашадими?

— Бўлмасам-чи?..

Шу суҳбат сабаб бўлди-ю, клуб аъзолари билан яқиндан танишишга қарор қилдим.

«Тўқимачи» бундан 3 йил илгари Сергей Владимирович Кашин раҳбарлигида «Тўқимачи» спорт клуби қошида ташкил этилган. Ўшанда футболга ишқибоз қизлар кўп эди. Аммо улар орасидан иқтидорлиларини саралаб олишнинг ўзи бўлгани йўқ. Тинимсиз машқлар, тренернинг талабчанлиги қисқа вақт ичидаёқ ўз самарасини берди. Команда Боку шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида катта маҳорат кўрсатиб, фахрли ўринни эгаллади. Ўтган йили эса Самарқандда жумҳурият голиби бўлиб, СССР биринчилигининг 1-лигасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Биринчилик шу ойда старт олди, — деди катта тренер Г. Будаков. — Аммо командада муаммолар талайгина. Мусобақаларда қатнашиш учун спорт анжомлари ва кийимлар олиш, қизларга маош тўлаш керак. Бунинг учун эса маблағ зарур. Бутуниттифоқ кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти область Кенгаши 25 минг сўм пул ўтказамиз, деб берган ваъдасининг устидан чиқмаяпти. Бир неча марта мурожаат этдик, аммо ҳеч қандай наф йўқ. Ҳозир Ўзбекистон Давлат спорт комитетига умид боғлаб турибмиз.

«Тўқимачи» ҳомий ахтармоқда. Хўш, қайси жамоа моддий томондан раҳнамолик қилиб, жумҳуриятимизда етишиб чиққан футболчи қизлар маҳоратини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшади? Ана шу савол команда раҳбарлари ва кўп сонли ишқибозларни ўйга толдирмоқда.

С. ОРТИҚОВ.

ЁЗГИ МАВСУМ ОЧИЛДИ

⊙ СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси ўйингоҳида ёзги спорт мусобақаларининг очилишига бағишланган катта спорт байрами бўлиб ўтди. Унда жумҳуриятимиз «Мод» театри артистлари, «Трактор» заводи маданият уйи ансамблари ҳамда корхонанинг таниқли спортчилари ўз чиқишларини намойиш этдилар. Шу куни спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи автомат станокларда ишловчи оператор.

Юқоридаги касблар бўйича ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар; ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Заргарлик, чиннига шакл берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Қалинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Соғбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 апрель соат 19.00 да

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

«ТАБАССУМ» РАДИО ЖУРНАЛИ САҲНАДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ҳусан ШАРИПОВ

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиблари ва совриндорлари:

Обид АСОМОВ, Мирза ҲОЛМЕДОВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

Бадиий сўз усталари: Абдуҳолиқ МАМАРАСУЛОВ ва Машраб НАЗАРОВ;

лирик хонандалар: Санобар РАҲМОНОВА, Илҳом ЖЎРАЕВ, Азим МУЛЛАХОНОВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁРЛАР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ ва Рустам ҚУРБОНОВ.

Мусиқа муҳаррири — Аҳмаджон РЎЗИЕВ.
Муҳаррир — Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,
2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАКІ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА
Хонандалар: ДАДАҲОН ҒАНИЕВ.
ҲОТАМЖОН ЎРИНБОЕВ.

Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.

Программани сўз устаси
МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУҚ ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУҚУРОВ

«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.

6 май соат 19.30 да

Раҳматжон ҚУРБОНОВ
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
9, 10 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ

1990 йил 23 апрелдан

КИНОТЕАТРЛАРНИНГ ЭКРАНЛАРИГА ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ ИККИ СЕРИЯЛИ

«УЧРАШУВ»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи С. САРХАДИ.

Режиссёр — А. ХАН.

Ролларда: А. КУМАР, А. ХАН, РАНЖИТА, С. ПАТИЛЬ ва бошқалар.

Бу бадавлат коллекционер умр йўлдошининг оддий автомеханикка муҳаббати ҳақидаги қўшиқ ва мусиқали драмадир.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

24 апрель соат 19.30 да

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

Арабистон давлатлари гастролига кетиш олдидан хушовоз хонанда

Нуриддин ҲАЙДАРОВ
ИЖРОСИДА

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Концертдан тушган маблағ қурилаётган янги мачитга берилади.

Телефон 45-93-63.
Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ПРЕМЬЕРА

Ж. Б. МОЛЬЕР асари.
А. АБДУЛЛАЕВ таржимаси.

«ЛАҚМА КУЁВ»

(2 пардали комедия)

СПЕКТАКЛДА: жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Эркин КОМИЛОВ;

артистлар: Матёқуб МАТЧОНОВ, Абдуҳалил МИГНАРОВ, Фарҳод Абдуллаев, Шоҳида УЗОҚОВА, Назира АБДУВОҲИДОВА, Сайёра АЗИМОВА, Жаҳонгир УСМОНОВ, Мадина УСМОНОВА, Дилбар ИКРОМОВА, Маҳмуд ДЎСМАТОВ, Гулбаҳор РАҲИМОВА ва бошқалар қатнашади.

Жавоб берувчи телефон автомат 44-56-52.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25 /IV да **Дон Кихот**, 26/IV да **Масхарабозлар.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Олтин девор**, 26/IV да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IV да **Мушкул савдо**, 25/IV да **Аҳдовлар чайқови.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Найнов ва пакана** (премьера), 19.00), 24/IV да **Паранжи сирлари** (19.00), 25/IV да **Отасининг қизи** (19.00), 26/IV да **Отасининг қизи** (19.00)

КИНО

23 АПРЕЛДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ермatов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 17, 20.00, катта зал, 18. 20.45, кичик зал).

Чайка — «МОДЕРНИСТЛАР» (18, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (18.30, 20.45).

24, 25, 26, 27, 28, 29 АПРЕЛДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ермatов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 11, 14, 17, 20.00, катта зал; 12, 15, 18, 20.45, кичик зал).

Чайка — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (Ўзбек тилида, 11.00); «МОДЕРНИСТЛАР» (13.30, 16, 18, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (13, 15, 19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент шаҳар 2-медицина билим юрти томонидан **Низамова Дилдора Салаховна** номига берилган 919400 Мт номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 90-мактаб томонидан **Низамова Дилдора Салаховна** номига берилган Г — 978344 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Совет савдо техникуми томонидан **Зиямуҳамедов Мирвосид Прматович** номига берилган Т—960374 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент политехника институтининг меъморчилик факультети жамоаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, доцент Х. В. Абдуллаевга рафиқаси **Танзила Собировна ҲУСАННОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ленин комсомоли номли Марказий Маданият ва ағитироҳат боғининг ходимлари шу боғининг бадиий раҳбари А. Ғ. Шокировга отаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси **Ғофур ШОКИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЗЕНИТ–7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбек» станцияси)

СУРАТ ЧИҚАРИШНИНГ ҚАМ-КЎСТСИЗ РАНГИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар сиз рангли суратга олиш билан шуғулланадиган бўлсангиз, тажриба тариқасидаги сурат чиқарувчи қурилма — «СПЕКТРОЗОН—1»ни тавсия этамиз. Мазкур қурилма сурат тасвири тегараси бўйича объектга хос маълум рангларга мувофиқ сурат чиқариш шартларини аниқлаш имконини беради.

Қурилма ҳаворанг, яшил, қизил ранглар тер-



маси бўлган кошинчали ёруғлик фильтри билан таъминланган.

Ёруғлик фильтрининг ҳажми билан фарқ қилувчи икки хил кўриниши мавжуд:

биринчисининг ҳажми — 60х60х5 миллиметр,

иккинчисининг ҳажми — 90х90х5 миллиметр.

Қурилманинг оғирлиги (ёруғлик фильтри термаси ва ғилофсиз) 250 граммдан кўп эмас.

Нархи — 26 сўм ва 35 сўм.

«СПЕКТРОЗОН—1»нинг кафолатли хизмат муддати — 18 ой.

* * *

УЙДАН ЧИҚМАЙ ДАВОЛАНИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Агар сизни қаттиқ бош оғриғи, остеахондроз, орқа мия нервларининг касалланиши, уч шохли нерв невралгияси, операциядан кейинги оғриқ ёки орқа мия жароҳатидан кейинги оғриқ қийнаётган бўлса,

ЭТНС—100—1 ва ЭТНС—100—2
ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРУВЧИ ТРАНСКУТАН ЭЛЕКТРОНЕЙРОСТИМУЛЯТОРЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИНГ

Биологик фаол нуқталарга импульсли электр токи билан таъсир этиб сиз ҳеч қандай дори-дармонсиз, ором топасиз, янада тетиклашасиз!

Турли хасталикларда таъсир этиш нуқталари қурилмаларни қўллаш бўйича СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган қўлланма схемаларида кўрсатилган.

ЭТНС — 100 — 1нинг нархи 60 сўм.

ЭТНС — 100 — 2нинг нархи—84 сўм.

Иш вақти — соат 10 дан 19.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба. Телефон 54-04-92.



«ЗЕНИТ—7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 10035.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.